

**Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари
ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2026 йил 1 сентябрь ҳолатига

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари, Администрация раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сонли, 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сонли фармонлари ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

Ҳар ҳафтанинг душанба кунлари вазир ҳузурида ҳамда жума кунлари вазирнинг ижро интизомига масъул ўринбосани ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси танқидий муҳокама қилиб борилмоқда.

2026 йилнинг август ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини 25 августга қадар ижросини таъминлашга қаратилган I–II ва III картотека топшириқлар рўйхати 20 июль куни, вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”лар ишлаб чиқилиб, вазир Ш.Хамраев имзоси билан эслатма ва ижро учун барча вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

Ҳисобот даврида вазирлик асосий ижрочи бўлган Давлат раҳбарининг жами 177 та, Президент Администрацияси раҳбарининг 20 та ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 33 та топшириқлари тўлиқ бажарилган.

Шунингдек, 2026 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 145 та, Администрация раҳбарининг 42 та ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 32 та топшириғи назоратга олинган.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишлари ҳамда ҳар ой якуни билан ҳайъат йиғилишида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими